

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА МУТАХАССИСЛАРНИ  
ТАЙЁРЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ ВА ТАЛАБЛАРИ**

**10.53885/edinres.2022.62.61.072**

**Ахмедов Фурқат Қўлдошевич**

*п.ф.н. профессор, (ORCID 0000-0003-4564-3707)*

**Олимов Алишер Исакович**

*п.ф.б.ф.д. (PhD), доценти в.б. (ORCID 0000-0001-7446-2089)*

*Жиззах давлат педагогика институти,*

*e-mail:olimovalisher6777@gmail.com +998903116777*

***Аннотация.** Мазкур мақолада олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт бўйича кадрларни тайёрлаш, профессионал касбий жихатлари самарадорлиги, касбий тайёргарлиги тизимининг ҳолати тахлилларидан олинган натижалари баён этилган.*

***Калим сўзлар:** спорт, талабалар, жисмоний маданият, жисмоний тарбия ўқитувчилари, фан, касбий тайёргарлик.*

***Аннотация.** В данной статье описаны результаты анализа подготовки кадров по физической культуре и спорту в высших учебных заведениях, эффективность профессиональных навыков, состояние системы профессиональной подготовки.*

***Ключевые слова:** спорт, студенты, физическая культура, учителя физической культуры, наука, профессиональная подготовка.*

***Annotation.** This article describes the results of the analysis of personnel training in physical culture and sports in higher educational institutions, the effectiveness of professional skills, the state of the professional training system.*

***Key words:** sports, students, physical education, physical education teachers, science, vocational training.*

Юртимизда ва хорижда турли фанларни ўқитишга мўлжалланган педагогик дастурий воситалар, хусусан, электрон дарсликлар, электрон қўлланмалар, автоматлаштирилган ўқитиш дастурлари, тренажерлар, электрон ахборот таълим ресурслар яратилган ва улар таълим тизимида кенг қўлланилмоқда.

Олий ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга ва уларнинг касбий тайёргарлигига қўйилган давлат таълим стандартлари талабларини амалга оширишга оид илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий фаолиятга оид ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этишнинг шакл, метод ва воситалари, янги инновацион технологияларини ўқув жараёнига қўллаш, ихтисослик фанларидан бўлажак мутахассисларни касбий билим кўникмаларини ошириш учун ўқув-услубий таъминотларни яратиш каби ишларнинг етарли даражада олиб борилмаётганлиги ишимизнинг долзарблигини белгилайди.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлайдиган олий таълим муассасалари олдида ўқитувчининг энг муҳим касбий фазилатларини мақсадли ривожлантириш, талабаларни кейинги фаолиятида фойдаланиш педагогик, илмий тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий-бошқарув тажрибаларини ўзлаштиришнинг фаол усулларига жалб қилиш вазифаси турибди. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари турли ижтимоий-педагогик ва ижтимоий-маданий шароитларда касбий фаолиятга тайёр бўлишлари лозим. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини яратиш, соҳа учун етук кадрлар тайёрлаш, ўқув-малака, билимларини замон талаблари асосида ошириб бориш муҳим муаммолардан биридир [1.2].

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини бошқаришга хос бўлган омиллар, айнан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини бошқаришни турли усул, механизмлар орқали давлат томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган маъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосланиб жисмоний тарбия ва спорт муассасалари раҳбарлари томонидан тартибга солиш ва самарали бошқариш объектив заруратга айлантиради. Бугунги кунда таълим соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш фаолиятида бошқарув фаолиятини шакллантирмасдан туриб ижобий натижага эришиб бўлмайди [5].

Соҳада малакали мутахассисларни тайёрлашда фақатгина спортчиларнинг техник-тактик тайёргарлиги ёки тиббий-биологик фанлар бўйича билимлари етарли ҳисобланмайди. Уларнинг ижтимоий масалалар бўйича билимларини ривожлантириб бориш ҳам зарурдир. Айниқса, малакали мураббийларни тайёрлашда уларнинг маънавий кадриятлар ҳақида билим ва малакага

**Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar.** Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

эга бўлишлари ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқиши янада ортишига хизмат қилади. Чунки бугунги кунда жамиятимизда аҳолининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабатини ўрганиш ҳамда уларни бу соҳага жалб қилиш фақатгина жисмоний тарбия ва спортнинг ўқув-машқ жараёнини такомиллаштириш орқали амалга ошмайди, балки соҳани ривожлантиришда барча омилларнинг ўрни, таъсирини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Хусусан, маънавий кадрларни ўрганиш аҳолининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабати, қизиқишини шакллантириш ҳамда ижтимоий омилларнинг ўрнини белгилашда муҳим аҳамият касб этади [6].

Мазкур соҳада спорт ихтисосликлари (турлар) бўйича мутахассис тайёрлашда муайян спорт турининг мазмуни, техник-тактик амаллари, мусобақаларни ташкил этиш учун унинг қоидалари чуқур ўргатилади. Бу, табиийки, давр талаби, халқаро спорт ҳаракатининг мақсад ва вазифаларига монанд (мос равишда) келади. Бу жараёнларни талаба ва ўқувчи ёшларга ўргатишда халқаро андозаларни шакллантириш муаммолари юз беради. Уларни ўрганиш, таълим жараёнига синдириш, муҳими эса, талабаларда шакллантириш ҳамда такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, таълим-тарбия муассасалари, айниқса ўқув юртларидаги жисмоний тарбия ўқитувчилари давлат дастури таркибидаги спорт турлари бўйича дарс ва тўғарак машғулотларини ўтказишга масъулдирлар. Яъни курашчи ёки футболчи, гимнастикачи ёки боксчи ихтисослигига эга бўлган ўқитувчилар (бошқа спорт турлари бўйича ҳам) дастурдаги енгил атлетика тури бўйича дарс ўтказиш, тўғарак машғулотлари ҳамда мусобақаларни ташкил этишга мажбурдирлар. Қайси спорт тури бўйича етук ихтисосли мутахассис бўлмасин енгил атлетика бўйича талаб даражасида компетенцияга эга бўлишига тўғри келади [7].

Замонавий шароитларда олий таълим муассасаларида ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича тўпланган тажрибани қайта англаш ва назарий умумлаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ёш ўқитувчилар фаолияти таҳлил қилинганда, уларнинг таълим-тарбия ва ташкилий-бошқарув вазифаларни ҳал қилишга тайёрлиги кучсиз эканлигини кўрсатди. Бу, биринчидан, кўпчилик битирувчиларнинг умумий билимлари ягона тизимни ташкил қилмаслиги билан; иккинчидан, назарий билимлар, малакалар ва кўникмалар уйғун бир бутунликни ҳосил қилмаслиги билан; учинчидан, ўқитувчилар томонидан илғор педагогик тажрибанинг етакчи ғоялари ва анъаналари, назарияни амалиётда қўллаш йўллари етарлича ангалмалиги билан белгиланади. Спорт соҳасида яхши мутахассис шаклланиши учун унга, нафақат назарий билимлар, балки унинг касбий фаолияти таркибий қисмлари бўлган амалий малакалар ва кўникмалар ҳам зарур. Юқори малакали спортчилар тайёрлаш тизимига янги бошқарув принцип ва андозаларини жорий этилишида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш мазкур технологияларни амалга тадбиқ этилиши спортчиларни мусобақаларга тайёрлаш бўйича ўтказиладиган ўқув-тренировка машғулотлари самарадорлигини ошишига олиб келади [3,4].

Ёш мутахассисларнинг ишида педагогик таъсир кўрсатишнинг восита ва усуллари билан етарли даражада қуроллана олмаганлик ҳолати кўп кузатилади; улар ўқувчилар билан ишлашни ташкил қилишда кўп ҳолатларда қийинчиликларга учрайди, педагогик таъсирнинг мақсадини аниқ қўйишда қийналишади. Битирувчилар ўз мутахассисликларини етарлича ўзлаштиришлари, назарий ҳолатлар бўйича билимларга эга бўлишлари мумкин, лекин улар, қоидага кўра, амалий педагогика деб аталиши мумкин бўлган, яъни фаолиятнинг аниқ “технологияси” сифатидаги педагогикани билишмайди. Жисмоний тарбия шахснинг муҳим хусусиятлари ва сифатларини ривожлантиришнинг қудратли омилдир. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари турли ижтимоий-педагогик ва ижтимоий-маданий шароитларда касбий фаолиятга тайёр бўлишлари лозим. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини яратиш, соҳа учун етук кадрлар тайёрлаш, ўқув-малака, билимларини замон талаблари асосида ошириб бориш муҳим муаммолардан биридир.

Узлуксиз касбий (педагогик) таълим тизимида ҳар томонлама ривожланган, маънавий жиҳатдан бой, ижтимоий жиҳатдан фаол, интеллектуал-ижодий, касбий-креатив, коммуникатив-фаолиятли шахснинг шакллантирилиши назарда тутилган. Бугунги кунда жисмоний тарбия таълим муассасалари талабаларини касбий тайёрлашни такомиллаштириш амалиётига жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бизнинг мутахассисларимизни анча юқори даражага олиб чиқиш имконини бериши мумкин бўлган янги ёндашувларни излаш ва жорий қилиш муаммоси илгари сурилмоқда.

**Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar.** Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

Моделлаштириш усули муаммони ҳал қилишнинг мақбул усуларини танлашни таъминлайди, маълум хусусиятларнинг ривожланиш динамикасини кузатади, ўзгаришни ўз ичига олади. Таклиф этилаётган механизм бизнинг фикримизча, малакали jismoniy tarbiya ўқитувчиларини тайёрлашни таъминлайди. Ўқитиладиган объектнинг ўзгаришига қараб педагогик таъсир усуллари нафақат ўқув жараёнининг боришини, унинг ривожланишини, балки у содир бўладиган шароитларни ҳам таҳлил қилишга имкон беради.

Муаммонинг ҳозирги кундаги ишлаб чиқилганлик даражаси қамровидан келиб чиқиб, jismoniy tarbiya ва спорт бўйича кадрларни тайёрлашда ОТМларнинг профессионал касбий жиҳатларга қараб jismoniy tarbiya ўқитувчиларининг ўқув-услугий, тадқиқот ва инновацион-педагогик фаолиятларини эътиборга олиб тайёрлаш лозим. Якуний бўгин сифатида - муаммоларни ҳал қилиш ва мақсадга эришиш даражасини баҳолаш, яъни jismoniy tarbiya ўқитувчиларини олий ўқув юртларида ўқитишнинг якуний босқичида педагогик назорат (аттестация) орқали бажариладиган натижани тавсифлаш. Бу натижаларни таҳлил қилиш асосида таклиф этилаётган методик асослар ва педагогик шартларни педагогик жиҳатдан тузатиш амалга оширилади.

Хулоса ўрнида jismoniy tarbiya ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги тизимининг ҳолатини, мавжуд тизим натижаларини тавсифи ва баҳолашини ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари ва йўллари аниқлаш учун қуйидагиларни эътиборга олиш лозим: jismoniy tarbiya ва спортнинг ривожланиш йўналишлари; педагогик таълимнинг асосий янгиликлари; юртимизда ва хорижда jismoniy tarbiya ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини ривожлантириш тенденциялари; олий педагогик маълумотли мутахассисларни тайёрлашнинг таълим тизимини ривожлантиришнинг истиқболли моделларини такомиллаштириш лозим. Шунингдек jismoniy tarbiya маълумотига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда, талабаларнинг касбий билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришида ортиб боровчи фаоллигини талаб қиладиган ва рағбатлантирадиган ўқув жараёни мазмуни ҳамда ташкил қилиниши бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ахмедов Ф.Қ., Олимов А.И. Во‘лажак jismoniy tarbiya o‘qituvchilarini o‘qitishda mobil ilovalarni qo‘llash metodikasi //“Тафаккур зиёси” илмий-услугий журнал. Жиззах 2021. №4. -Б. 54-57.
2. Olimov A.I. The acquisition progress of students of physical education and methodology subjects.// SCIENCE AND CIVILIZATION-2020. Materials of the XVI International scientific and practical conference. 30 January 2020. Sheffield, England. -P.10-13.
3. Олимов А.И. Бўлажак jismoniy tarbiya ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантиришда махсус мобил иловалардан фойдаланиш зарурияти // Фан спортга илмий назарий журнал. Чирчиқ. 2019. 3-сон. -Б. 31-35 бет.
4. Якубов Ф.М. Бўлажак jismoniy tarbiya ва спорт мутахассисларида спорт тафаккури ва унинг услубларини яратиш орқали тафаккур тарзини такомиллаштириш йўллари. // Фан-спортга илмий –назарий журнал . - 2019. №4, -Б. 23-28.
5. Худайбердиева Н.А. Jismoniy tarbiya ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини яратиш // Фан-спортга илмий –назарий журнал . - 2019. - № 2.-Б. 18-21.
6. Шопулатов А.Н. Бўлажак мураббийларда jismoniy tarbiya ва спорт асосида маънавий кадрларни ривожлантириш йўллари // Фан-спортга илмий –назарий журнал . - 2019. - № 1. -Б. 67-71.
7. Шакиржанова К.Т., Jismoniy tarbiya ва спорт фаолияти бўйича кадрлар тайёрлашда талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш технологиялари // Ўзбекистонда jismoniy tarbiya ва оммавий спортни янада ривожлантириш истиқболлари / Республика анжумани материаллари тўплами. -Чирчиқ.: 2019; -Б. 754-757.
8. Wegner, P & Wegner, O & Days, D & Polotnyanko, K. (2020). Physical Culture and Sports as the Basis of Students' Healthy Activities. 10.2991/iceder-19.2020.96.